



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

5-сон
(921)
2020 йил
10 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;


тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

45. «Кишки спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги ПҚ-4583-сон қарори
46. «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги ПҚ-4584-сон қарори
47. «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги ПҚ-4585-сон қарори
48. «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги ПҚ-4586-сон қарори



49. «Юқори қўшилган қийматли минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 февралдаги ПҚ-4587-сон қарори
50. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 июндаги «Сурхондарё нефть-газ худудидagi конлардан нефтни қазиб олишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1979-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 февралдаги ПҚ-4591-сон қарори

Учинчи бўлим

51. «Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 64-сон қарори

Бешинчи бўлим


52. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 20 январдаги 2020-03-сон «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-3*)
53. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2020 йил 22 январдаги 4-сон «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-5*)
54. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги 09/ЮБ-51-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-3*)
55. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/6-сон «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш



тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2369-3*)

56. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/7-сон «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2884-1*)
57. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/4-сон «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-5*)
58. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 14 январдаги 106-сон «Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3217*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 1 февралдан 7 февралгача бўлган маълумот



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

45 Қишки спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг қишки спорт турлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилма яратиш, мамлакат спортчиларининг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишларини таъминлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишки спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш борасида бир қатор қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурати вужудга келмоқда. Жумладан:

жойларда қишки спорт турлари бўйича мусобақаларнинг тизимли ўтказилишини йўлга қўйиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизимини яратиш, терма жамоалар таркибини сифатли шакллантириш учун юқори малакали спортчилар захираси тайёрланишини таъминлаш;

қишки спорт турларини ривожлантириш учун замонавий моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш;

қишки спорт турлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қишки спорт турлари бўйича замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмани яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш.

Қишки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, Ўзбекистон спортчиларини халқаро спорт мусобақалари, шу жумладан, Пекин шаҳри (Хитой)да 2021 йилда бўлиб ўтадиган қишки Осиё ўйинлари ҳамда 2022 йилда ўтказиладиган XXIV қишки Олимпия ўйинларига тайёрлаш ва ушбу мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020 — 2023 йилларда ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида назарда тутиладиган маблағлар;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 февралда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, жамғармалар, спорт федерациялари (уюшмалари), клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. 2023 йил 1 январга қадар Қишки спорт турлари ассоциацияси, Ўзбекистон хоккей федерацияси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, қишки спорт турлари бўйича профессионал клублари ва нодавлат болалар спорт мактаблари:

мол-мулк солиғи ҳамда жалб қилинган хорижий спортчилар ва мутахассисларнинг даромадларига ижтимоий солиқ ставкаларини 50 фоизга камайтирилган ҳолда тўлайди;

қишки спорт турлари бўйича спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари ва махсус профессионал спорт кийимлари, транспорт воситалари, шу жумладан махсус транспорт воситаларини олиб кирганлик учун божхона божи тўлашдан озод қилинади.

Белгилансинки, мазкур банднинг учинчи хатбошидаги имтиёз ва шартлар Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳам татбиқ этилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:


2020 — 2023 йилларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳудудларда халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий спорт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган енгил конструкцияли ёпиқ муз қопламали майдонларни қуриш;

қишки спорт турлари бўйича хорижий мутахассис ва тренерларни ишга жалб қилиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган тартибда хизмат уйлари сифатида уй-жой ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиладиган ёпиқ муз қопламали майдонларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари мажбурий тартибда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бакалавриат таълим йўналишига 2020/2021 ўқув йили учун ажратилган қабул параметрларини йўналишлар бўйича тақсимлашда қишки спорт турлари учун ўрин ажратилишини таъминласин;



2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида кишки спорт турлари кафедрасини ташкил қилсин;

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда 2020 йилнинг якунига қадар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги «Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази» давлат корхонасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган «Белдирсой» спорт базасида халқаро ва республика даражасидаги мусобақаларни ўтказиш учун енгил конструкцияли бино ва иншоотлар барпо этиш, йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, дор йўлини замонавий анжом, асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш ишларини амалга оширсин;

Ўзбекистон кишки спорт турлари ассоциацияси ва Ўзбекистон хоккей федерацияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг хорижда таълим олиш, стажировкадан ўтиш ва малака ошириш дастурлари бўйича очиқ стипендия танловларида кишки спорт турлари бўйича профессор-ўқитувчилар ва тренерларнинг фаол иштирокини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Спортнинг кишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган «Пахтакор» спорт базасини реконструкция қилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ 2020-2021 йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда зарур марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимити белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистонда кишки спорт турларини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳа учун малакали тренерларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган илмий-амалий лойиҳалар танловини ташкил қилсин.

8. Кишки спорт турлари ассоциацияси, Ўзбекистон хоккей федерацияси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, кишки спорт турлари бўйича профессионал клублар ва нодавлат болалар спорт мактабларига олти ойдан кўп бўлган муддатга тузилган шартномалар асосида жалб қилинган хорижий спортчилар ва мутахассислар Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти деб ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимидаги «Оромгоҳ» давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган иккита дор йўли ҳамда чанғида учиш трассасини тегишли ҳудуди билан биргаликда Спортнинг кишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги иккита дор йўли ҳамда чанғида учиш трассасини белгиланган тартибда топширилишини, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қабул қилиб олинishi ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарор ижроси қўйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — кишки спорт турлари бўйича замонавий спорт иншоотларини барпо этиш ва инфратузилмани ривожлантириш чораларни кўрсин (шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида), ушбу қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш учун алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев — Ўзбекистонда кишки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин, спортнинг мазкур турлари бўйича фаолият олиб бораётган нодавлат ташкилотлар (федерациялар, ассоциациялар ва бошқалар) билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйсин, Дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари — маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларига, ташкилотларга жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда спорт иншоотларини қуриш учун ер участкалари белгиланган тартибда ажратсин, ҳудудларда кишки спорт турларини ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;


масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — Дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д. Хаджаев — кишки спорт турларини оммалаштиришга қаратилган мақолалар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 февраль,
ПҚ-4583-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

46 Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу эса ушбу санъатни бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодларга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам машҳур бўлган Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» ансамбли ўзининг қарийб 30 йиллик фаолияти давомида ўзбек миллий рақс санъати ривожига ўчмас из қолдирди. Бироқ, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Баҳор» ансамблининг ижодий фаолияти тўхтаб қолди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда миллий рақс санъатида профессионал бадий жамоалар фаолиятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни тарбиялаш, балетмейстерлар ва балет артистларининг янги авлодини шакллантирадиган ижодий лабораторияларни ташкил этиш, уларнинг малака ва тажрибасини ошириш, шунингдек, ўзбек рақс санъатининг «олтин фонди»ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини янада ошириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида «Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли» (кейинги ўринларда — Давлат рақс ансамбли) фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Давлат рақс ансамблининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистонда рақс санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижодий мактабларга хос анъаналарни, мохир балетмейстерлар, балет артистлари меросини тиклаш;

миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари «олтин фонди»ни яратиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 февралда эълон қилинган.



халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар билан кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликни англаш, аجدодлар меросига ҳурмат туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш;

рақс ва хореография санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишда иштирок этиш, истеъдодли ёш балетмейстерларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш;

миллий рақс ва хореография санъати соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларнинг натижалари асосида замонавий рақс композицияларини саҳналаштириш;

миллий рақс санъатини мамлакатимизда ва хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш мақсадида Давлат рақс ансамблининг миллий ҳамда жаҳон халқлари рақсларидан иборат дастурлари асосидаги гастроль-концерт фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Қўйидагилар:

«Муқаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли» давлат муассасасининг тузилмаси 1-иловага*;

«Муқаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли» давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат рақс ансамбли фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ҳамда донор ташкилотларнинг грантлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда, Давлат рақс ансамблига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағлар унинг ўз даромадлари билан қопланмаган қисми учун ажратилади.


5. Давлат рақс ансамбли артистлари ҳамда бадиий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ–1280-сон «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг амал қилиши, артистлар ҳамда бадиий ходимларнинг аввалги иш жойларида узоқ муддат хизмат қилгани сақлаб қолинган ҳолда, татбиқ этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат рақс ансамблини сақлаш харажатлари 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, 2021 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетини доирасида назарда тутилади;

Давлат рақс ансамбли қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган

* 1-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ҳолда, концерт-томоша фаолиятини тегишли лицензия олмасдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида концерт-томоша тадбирларини бир марталик рухсатнома олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Давлат рақс ансамблининг директори ва бадий раҳбари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

7. Давлат рақс ансамблига:

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 1 та енгил автотранспорт воситаси учун маблағлар ажратилиши;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2 та автобус ва 1 та юк автотранспорт воситасини харид қилиш ҳамда сақлаш учун лимит белгилансин.

8. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Давлат рақс ансамблининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ижодкорлари ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида доимий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатишни назарда тутувчи «Дўстлар клуби»ни ташкил этиш бўйича берган таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз тизими учун бюджетдан ажратилган йиллик маблағлар доирасида доимий равишда Давлат рақс ансамблига «Тошкент радио эшиттириш уйи»даги овоз ёзиш студиялари ва техник воситалардан текин фойдаланиш ҳамда Давлат рақс ансамбли томонидан ижро этиладиган рақсларга басталанган мусикий асарларни ёзиб олиш, эфирга узатиш ва тарғиб қилишда амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда Давлат рақс ансамблини жойлаштириш учун бино ажратиш, бинони реконструкция қилиш ва зарур воситалар билан жиҳозлаш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ушбу қарор ижросининг назорати қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов — ушбу қарор ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирасин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни бар-тараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков — ушбу қарор ва чора-тадбирларни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда



унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот кири-тиб борсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — ушбу қарор ва чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва си-фатли бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва мамлакатимизда миллий рақс санъатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни мунтазам ёритиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 февраль,
ПҚ-4584-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

47 Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*


Кейинги йилларда мамлакатимизда қадимий ва бой маданий меросимиз, миллий ўзлгимиз, бетақрор кадрият ва анъаналаримиз, маданият ва санъати-мизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтириш-да муҳим аҳамиятга эга бўлган рақс санъатини ҳар томонлама ривожлан-тириш, ёш авлодни миллий ва жаҳон рақс санъатининг намуналаридан кенг баҳраманд этишни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Рақс санъати соҳасида «устоз-шогирд» анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратиш, халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар ва кадрларни тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фой-даланган ҳолда илм-фанни жадал ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 фев-ралда эълон қилинган.



Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат хореография академиясини (кейинги ўринларда — Академия) ташкил этиш;

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби тизимидаги Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактабини Академия тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлган Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга айлантириш;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида Академия ҳузурида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

а) Академиянинг асосий вазифалари этиб:

кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етук ва малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш;

рақс санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш;

талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий ва халқаро грантлар асосида уларнинг хорижда таълим олиши, илмий-иждоий ишлар олиб боришини самарали йўлга қўйиш, ҳамкорликдаги концерт дастурларини ташкил этиш;

кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-иждоий фаолиятни янада ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни ушбу йўналишга кенг жалб этиш;

соҳа мутахассисларини хорижий турдош олий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, стажировка ўташ тизимини ташкил этиш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот муассасалари базаларида ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи ташкилотларида тизимли равишда қисқа ва узок муддатли амалиётларни ташкил этиш;

б) Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ва ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатининг (кейинги ўринларда — мактаб-интернатлар) асосий вазифалари этиб:

ўқитишнинг замонавий ва илғор услубларидан кенг фойдаланиш, ўқувчилар иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш;

рақс санъатига иқтидори бўлган ёшларни жойларда саралаб олиш, уларни касбга йўналтириш ва хореография таълими соҳасида узвийликни таъминлаш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илғор ютуқларни татбиқ этиш;



ўқувчиларни келгусида рақс йўналишидаги олий таълим муассасасида ўқишини давом эттириши ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун ихтисослик фанларидан чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирган ҳолда сифатли ўқитиш;

ўқитиш жараёнига етук ва малакали рақс санъати мутахассисларини жалб қилиш ва уларнинг самарали меҳнат фаолияти олиб боришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Академия Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) мактаб-интернатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ҳазна ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр, штамп ва бланкага эга бўлади;

в) ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларда таълим 1 — 4-синфларда, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 1 — 11-синфларда олиб борилади;

г) ўқишга қабул ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларга 1-синфдан, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга 1 ва 5-синфлардан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон давлат хореография академияси, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати, ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйидагилар Академия ва мактаб-интернатларнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб ҳисоблансин:

а) Академияда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) мактаб-интернатларда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;


жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2020 йил

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббусини Академия ва мактаб-интернатларда амалга ошириш тартиби ва чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Талаба ва ўқувчилар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиш, талаба-ёшларнинг ўқув ва маънавий ҳаётидаги муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш Академия ва мактаб-интернатлар барча раҳбарларининг, профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгилансин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда Академия ва мактаб-интернатларнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари ижодий фаоллигини янада ошириш, таътил давомида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида замон талаблари асосида 50 ўринли оромгоҳ ташкил қилсин ва унинг биносини 2021 йил 1 июлга қадар фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

Оромгоҳда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишлари бўйича:

а) Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб белгилансин;

б) бош лойиҳа ва бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда тендер (танлов) савдолари натижасида аниқлансин;

в) молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилояти ҳокимиятлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 2021 йил 1 августга қадар ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари биноларини тўлиқ реконструкция қилиш ва жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларининг молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

а) икки ой муддатда:

жаҳондаги илғор тажрибани атрофлича ўрганган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш;

Академиянинг илмий-педагог кадрлари таркибини асосан мамлакатимиздаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган, шу жумладан, хо-



рижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириб келган, юқори савияли профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, соҳанинг салоҳиятли етук мутахассислари — амалиётчилар орасидан шакллантириш;

республикадаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларда рақс санъатини ўқитиш фаолиятини янада ривожлантириш;

рақс санъатининг ижодий, илмий-услубий ва ижро анъаналарини пухта ўзлаштириш ва муносиб давом эттириш, бунда таълим муассасаларига моҳир рақс усталарини бириктириш ва шу асосда «устоз-шогирд» мактабларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

б) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Академия ва мактаб-интернатларнинг раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари таркиби фаолиятининг самарадорлигини тасдиқланган мақсадли дастурлар бўйича рейтинг баҳолаш тизимини жорий этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлар учун мўлжалланган ўқув режаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларнинг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ишлаши ҳамда малакали педагог-кадрлар билан таъминласин;

ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларни дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва бадий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат биносини реконструкция қилиш ишлари учун зарур капитал қўйилма маблағларини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:



Академияга 50 ўринли автобус харид қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағ ажратилишини;

Академия ва мактаб-интернатларни жорий сақлаш харажатларини молиялаштириш учун зарур маблағларни 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Маданият вазирлигига тақсимланадиган маблағлар доирасида ажратилишини таъминласин.

12. Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 31-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ушбу қарор ижросининг назорати қуйидаги тартибда амалга оширилсин:



Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов — ушбу қарор ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, белгиланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирасин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков — ушбу қарор ва чора-тадбирлар дастурини ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бурсин;

Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳокимлари (Ў.И. Барноев, З.Т. Мирзаев, Х.Х. Бозаров, Ф.У. Эрманов) — ташкил этилаётган ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларида амалга ошириладиган таъмирлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли олиб борилишини, бино-иншоотларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — ушбу қарор ва чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритсин ҳамда рақс санъатининг халқ орасида оммалашувини назарда тутувчи махсус илмий-оммабоп ва қисқа метражли кўрсатувларни намоиш этсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 февраль,
ПҚ-4585-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 4 февралдаги
ПҚ-4585-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2778-сон қарорининг рус тилидаги матнида:



а) 1-иловада:

«Государственный институт искусств и культуры Узбекистана, Государственная консерватория Узбекистана, Ташкентская государственная высшая школа национального танца и хореографии» блокада «Ташкентская государственная высшая школа национального танца и хореографии» сўзлари «Государственная академия хореографии Узбекистана» сўзлари билан алмаштирилсин;


«Государственное учреждение «Центр узбекского национального искусства макома» блокидан кейин «Государственный ансамбль танца «Бахор» имени Мукаррамы Тургунбаевой» блоки билан тўлдирилсин;

«Генеральная дирекция Международного музыкального фестиваля «Шарк тароналари» блоки «Дирекция международных фестивалей» блоки билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада «Государственные театры, Государственное учреждение «Узбекконцерт», Узбекский государственный цирк, Государственное учреждение «Государственная филармония Узбекистана», Государственное учреждение «Центр узбекского национального искусства макома», Дворец «Дружбы народов», Ферганский областной дворец театра и концерта имени Ислама Каримова, театры-студии «Дийдор» и «Томоша», Государственное предприятие «Центр культуры и искусства молодежи», редакции журнала «Театр» и «Гулистон», центры культуры, парки культуры и отдыха, зоопарки» блокада «Государственное учреждение «Центр узбекского национального искусства макома» сўзларидан кейин «Государственный ансамбль танца «Бахор» имени Мукаррамы Тургунбаевой» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3151-сон қарорига 1-илова 1-бандининг «Бириктирилган олий таълим муассасалари» устунини 10-позициясидаги «Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби» сўзлари «Ўзбекистон давлат хореография академияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–3504-сон қарорининг рус тилидаги матнида 6-илованинг «Наименование создаваемых специализированных школ и школ-интернатов» устунининг 23-позициясидаги «Республиканская специализированная школа хореографии» сўзлари «Республиканская специализированная школа-интернат хореографии» сўзлари билан алмаштирилсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**48 Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш
ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаш-
тириш чоралари тўғрисида***

Қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш, қурилиш соҳасидаги назорат қилувчи инспекциялар ролини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5577-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасининг 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари (кейинги ўринларда — объектлар) учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишга, объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйиладиган талабларни уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

қурилиш якунланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) томонидан объектнинг қурилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини инструментал техник текширувдан ўтказишни жорий қилган ҳолда, хавф-хатар тоифаси паст ва яқка тартибдаги уй-жой қурилиши объектлари учун лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси, муаллифлик назорати ва давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича мажбурий талабларни бекор қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга қўйиладиган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 февралда эълон қилинган.



«Қурилишдаги назорат» қўйи тизимини 2020 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳрида синов тариқасида ишга туширган ҳолда, 2020 йил давомида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш.

2. Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгиллаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқи берилсин.

3. Қўйидагилар:

а) 2020 йил 1 мартдан бошлаб бюджет тизимидаги бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари капитал таъмирлаш объектларида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича талаблар;


б) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар томонидан қурилиши тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини жорий қилган ҳолда, уларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мавжуд тартиб-таомиллар қўйидаги муддатларда босқичма-босқич бекор қилинсин:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар хавф-хатар тоифаси паст объектлар учун — 2020 йил 1 майдан;

давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун — 2022 йил 1 январдан;

бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун — 2021 йил 1 январдан.

4. Белгилансинки, объектларни фойдаланишга қабул қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби татбиқ қилингунига қадар Инспекция ва ҳудудий инспекциялар қурилиши тугалланган объектларни (давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари) фойдаланишга қабул қилиш жараёнига давлат санитария назора-



ти ва давлат ёнғин назорати ҳудудий органларини жалб қилади ҳамда улар объектларни қабул қилиш муддатлари доирасида Инспекция ва ҳудудий инспекцияларга объектнинг санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда ҳудудий инспекцияларнинг давлат санитария ва ёнғин назорати ҳудудий органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлигининг:

Инспекцияга давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомини бериш ва ҳудудий инспекцияларни унга бўйсундириш;

Инспекция тузилмасида 2 та бошқарув ходими штат бирлигидан иборат бўлган Комплаенс хизматини ташкил қилиш ва ҳудудий инспекциялар тузилмасига комплаенс-назорат бўйича мутахассис лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2020 йил 1 июлдан бошлаб Инспекция ва ҳудудий инспекциялар бошлиқларига, ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилсин.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг намунавий тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Инспекция бошлиғига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида, заруратга кўра, Инспекция штат бирлиқларига ўзгартиришлар киритиш;

объектлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инспекциялар тузилмаси ва штат бирлиқлари нормативларини тасдиқлаш;

ҳудудий инспекцияларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига ҳисобдор бўлади;

ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири билан келишилган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекциянинг Комплаенс хизмати ва ҳудудий инспекцияларнинг комплаенс-назорат бўйича мутахассислари бевосита Инспекция бошлиғига бўйсунди;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан, ҳудудий инспекциялар фаолияти эса қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ажратмалардан шакллантирилувчи маблағлар ҳамда шартнома асосида бажариладиган ишлар ва хизматлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда (қўшимча қиймат солиғисиз) белгиланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

0,02 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма), шу жумладан 0,01 фоизи — Инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари эҳтиёжларини молиялаштиришга йўналтирилади;

0,18 фоизи ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдирилади.

9. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг жорий ва бошқа харажатларини молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.


10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилишда стандартлаштириш республика маркази ҳузурида объектлар конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмларини халқаро стандартларга мувофиқ тўлақонли синовдан ўтказишни амалга оширувчи Комплекс қурилиш синов лабораториясини (кейинги ўринларда — Комплекс лаборатория) ташкил қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг таклифи маъқуллансин.

Комплекс лабораторияни ташкил қилиш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2020 йилда ажратиладиган 20 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги маблағлар ҳамда етмайдиган қисми учун — Жамғарма маблағлари белгилансин.

11. Қуйидагилар:

Қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объекtlари конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича Комплекс қурилиш синов лабораторияси томонидан ўтказиладиган синовларнинг асосий йўналишлари 3-иловага* мувофиқ;

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Комплекс қурилиш синов лабораториясини жиҳозлаш учун харид қилинадиган асосий ускуналар, машина ва механизмлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. 2020 йил 1 мартдан бошлаб Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 1,4 баробарга оширилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда: икки ой муддатда Инспекция ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги, шунингдек, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил 1 июнга қадар ички назоратни, муаллифлик ва техник назоратни, шунингдек, объектлар устидан давлат қурилиш назоратини амалга оширувчи мутахассислар сертификациядан ўтказилишини таъминласин;

б) бир ой муддатда Жамғарма маблағлари ва ҳудудий инспекциялар маблағлари ҳисобидан 2020-2021 йилларда ҳудудий инспекцияларни замонавий мобил кўчма қурилиш лабораториялари билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

в) Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимларининг доимий равишда, шу жумладан чет элда малака оширишини ва кейинчалик ҳар бир ҳудудий инспекциядаги ходимлар учун мажбурий тренинглар ўтказилишини ташкил қилсин;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекцияни мебель, инвентарь, ускуналар ва қўйилган вазифаларни самарали бажариши учун зарур бўлган бошқа воситалар билан таъминласин, шу жумладан 3 дона хизмат енгил автомобили ажратсин;

д) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтлари ва ташкилотларини ҳамда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, давлат органларининг самарасиз ва ортиқча функцияларини бекор қилиш, шунингдек, илғор хорижий тажриба асосида ушбу жараёнга хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишни назарда тутган ҳолда, қурилиш устидан назорат механизмлари самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда икки ой муддатда тақдим этиладиган маълумотлар рўйхатини кўрсатган ҳолда давлат органлари ва Инспекция ўртасида идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

15. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй манзилида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудий инспекцияларни жойлаштириш учун бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида бинолар ажратиб берилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижросини назорат қилишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов — мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;


қурилиш вазири Б.И. Закиров — мазкур қарорнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши бўйича барча зарур чоралар қўрилишини, мазкур қарорни ўз вақтида ижро этишда масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам берилишини таъминласин, шунингдек, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин;

қурилиш вазирининг ўринбосари — Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи К.Н. Тўлаганов — давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш, Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш бўйича ишлар сифатли ташкиллаштирилишини, шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш давомида юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 5 февраль,
ПҚ-4586-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**49 Юқори қўшилган қийматли минерал ўғитлар ишлаб
чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кимё тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, юқори қўшилган қийматли мураккаб ва фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддасига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд вилоятида мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кимёвий мажмуасини барпо этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2023 йил 1 февралга қадар қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

жалб қилинадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари — юридик шахслари учун фойда солиғи (шу жумладан, тўлов манбаида ушлаб қолинadиган фойда солиғи) ставкасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезиденти — жисмоний шахслар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкасини 50 фоизга камайтириш;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб килиладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, махсус техникалар, машина ва механизмлар, комплект буюмлар ва узеллар, бутловчи қисмлар, хом ашё ва материаллар, технологик ускуналар, приборлар, дастурий таъминот, техник ҳужжатлар ҳамда ёқилғи-мойлаш материалларини божхона божидан озод қилиш ҳамда ушбу товарлар учун акциз солиғи ставкасини 50 фоизга камайтириш.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 февраль,
ПҚ-4587-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 февралда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

50 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
4 июндаги «Сурхондарё нефть-газ ҳудудидаги кон-
лардан нефтни қазиб олишни кўпайтириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ПҚ–1979-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб
ҳисоблаш тўғрисида*

Сурхондарё нефть-газ ҳудудидаги конлардан нефть қазиб чиқариш ҳажм-ларини ошириш ҳамда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асоси-да юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 июндаги «Сурхондарё нефть-газ ҳудудидаги конлардан нефтни қазиб олишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1979-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 февраль,
ПҚ–4591-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 февралда эълон қилинган.



УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

51 Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2020 йил 1 майга қадар Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кўп квартирали уйларни бошқаришда Қонун нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент (кейинги ўринларда ҳуқуқий эксперимент деб аталади) ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи ва ҳудудий ишчи гуруҳлар таркиби 2, 2а, 2б, 2в-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар ҳуқуқий экспериментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Қонун нормаларини ҳамда кўп квартирали уйларни бошқаришда қонунийлик ва ихтиёрийликни таъминлашга қаратилган бошқаришнинг тартиб-таомиллари самарадорлигини аниқлаш;

Қонуннинг нормаларини такомиллаштириш ва уни самарали қўллаш механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 февралда эълон қилинган.

** 2 — 2в-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



кўп квартирали уйларни бошқаришнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган кўп квартирали уйлардан ва кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш бўйича тизимли ишларни самарали ташкил этиш;

кўп квартирали уйларни бошқариш усулларининг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбарларининг профессионал фаолиятининг турли механизмларини амалда синаб кўриш;

кўп квартирали уйларни бошқаришда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва аҳолини бизнес билан шуғулланишга жалб қилиш;

кўп квартирали уйларни бошқаришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

4. Қуйидагилар:

а) Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

худудий ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳуқуқий эксперимент самарали ўтказилишини таъминлаш;

худудий ишчи гуруҳларга юкланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан натижаларни танқидий муҳокама қилиб бориш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

2020 йил 15 майга қадар ҳуқуқий эксперимент натижаси юзасидан Қонун нормаларини республиканинг бошқа ҳудудларида қўллаш ёки Қонун нормаларини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

б) худудий ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:


Қонун нормаларини амалга оширишга қаратилган амалий чоралар кўрилишини ҳамда қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

кўп квартирали уйларнинг жойлашуви харитасини ишлаб чиқиш, ҳар бир кўп квартирали уйни паспортлаштириш, кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларини белгилаш чораларини кўриш;

кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари (кейинги ўринларда жойларнинг мулкдорлари деб аталади) томонидан ташкил этилган умумий йиғилишларда уй-жойлар мулкдорлари ширкати (кейинги ўринларда ширкат деб аталади) фаолиятини давом эттириш ёки бошқа бошқарув усулини танлаш, вакант бўлиб турган ширкатларга бошқарув раисларини сайлаш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш;

кўп квартирали уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, авария-тиклаш ишларини бажариш бўйича кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг авария-тиклаш хизмати ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини янада яхшилаш;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг моддий-техника базасини шакллантиришга қаратилган ишларни тизимли равишда ташкил этиш;



кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатиш;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг раҳбар ва ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Тошкент шаҳар, Жиззах ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида:

икки ҳафта муддатда ширкатлар билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасини ислоҳ қилиш, кўп квартирали уйларни бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида жойларнинг мулкдорлари билан йиғилишлар ўтказилишини ташкил этсин;

бошқарувчи ташкилотларни ташкил этишда, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда (қайтариш асосида маблағлар ажратиш) амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва энг яхши тажрибани оммалаштириш чораларини кўрсин;

кўп квартирали уйларни бошқариш фаолияти масалалари бўйича туман (шаҳар) уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўлимларида аҳоли учун маслаҳат пунктлари ташкил этилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар, Жиззах ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда кўп квартирали уйларга туташ ер участкаси бўйича жойларнинг мулкдорларига улардан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида зарур ҳужжатлар берилишини, шунингдек, кўп квартирали уйларни бошқариш органларига фаолият юритиши учун зарур бино ва иншоотлар ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳуқуқий эксперимент ўтказиш даврида Қонун билан белгиланган бошқариш усули орқали кўп квартирали уйларни бошқаришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги таҳлилий натижалар ҳар ой якунига кўра кейинги ойнинг бешинчи кунига қадар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳуқуқий эксперимент ўтказиш даврида «Энг яхши бошқарувчи» танловларини ташкил этиш, уларнинг натижаларини ҳамда энг яхши бошқарувчининг иш тажрибасини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор билан тасдиқланган қоидаларни қўллаш тўғрисидаги тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан берилади.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев, Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев, Жиззах вилояти ҳокими



Э.А. Салиев ва Фарғона вилояти ҳоқими Ш.М. Ганиев зиммасига юклан-син.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 февраль,
64-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 7 февралдаги 64-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва
Марғилон шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг
«Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни
нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий
эксперимент ўтказиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низом Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент (кейинги ўринларда ҳуқуқий эксперимент деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ҳуқуқий эксперимент даврида Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни нормаларида белгиланган тартиб-таомилларнинг муддатлари ушбу Вақтинчалик низомда қисқартирилган.

3. Мазкур Вақтинчалик низомнинг амал қилиши кўп квартирали уйнинг мулкдори битта юридик ёки жисмоний шахс бўлганда татбиқ этилмайди.


2-боб. Кўп квартирали уйларни бошқариш усуллари

4. Кўп квартирали уйни бошқариш усули кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари (кейинги ўринларда жойларнинг мулкдорлари деб аталади)нинг умумий йиғилишида белгиланади.

5. Кўп квартирали уйни бошқариш:

бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан;

юридик шахс бўлган бошқарувчи ташкилот томонидан ёки жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) бўлган бошқарувчи (кейинги ўринлар-



да бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи деб аталади) томонидан шартнома асосида;

битта ёки зич жойлашган бир нечта кўп квартирали уйда турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорларини бирлаштирувчи уй-жой мулкдорлари ширкати бўлган нотижорат ташкилот (кейинги ўринларда ширкат деб аталади) томонидан амалга оширилиши мумкин.

6. Жойларнинг мулкдорлари умумий йиғилиши кўп квартирали уйнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

7. Ҳар йилги умумий йиғилиш календарь йил тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай чақирилади.

8. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш кўп квартирали уйни бошқариш органининг ташаббуси билан ёки жойларнинг мулкдорларини камида ўн фоизининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

9. Жойларнинг мулкдорлари умумий йиғилиши ўтказиладиган жой, сана, вақт ва унинг кун тартиби тўғрисида хабардор қилиш йиғилиш ташаббускорлари томонидан умумий йиғилиш ўтказилишидан камида ўн кун олдин амалга оширилади.

10. Жойларнинг мулкдорларини умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш тегишли эълонни уйларнинг ҳар бир кириш йўлагига илиб қўйиш ёки эълонни мулкдорларга имзо қўйдириб топшириш орқали амалга оширилади.

11. Жойларнинг мулкдорлари бўлган юридик шахсларни хабардор қилиш тегишли хабарни буюртма хат билан юридик манзилга юбориш, электрон хабар қилиш ёки хабарни ваколатли вакилга имзо қўйдириб топшириш орқали амалга оширилади.

12. Кўп квартирали уйларни бошқариш фуқаролар учун қулай ва хавфсиз яшаш шароитларини таъминлаши керак.

13. Кўп квартирали уй бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан бошқарилганда умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш бўйича уй-жой-коммунал соҳасидаги ташкилотлар билан хизматлар кўрсатишга доир шартнома жойларнинг мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори асосида кўп квартирали уй кенгашининг раиси томонидан тузилади. Бунда учинчи шахслар билан муносабатларда кўп квартирали уйнинг мулкдорлари номидан жойларнинг мулкдорлари умумий йиғилиши ваколат берган бир ёки бир неча жой мулкдори иштирок этишга ҳақли.

14. Жойларнинг мулкдорлари кўп квартирали уй фойдаланишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддатда умумий йиғилишда кўп квартирали уйни бошқариш усули тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Бундай қарор қабул қилингунига қадар мулкдорлар умумий мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан солидар жавоб беради.

3-боб. Кўп квартирали уйни бошқариш учун танлов ўтказиш тартиби

15. Ушбу Вақтинчалик низомнинг 14-бандида кўрсатилган муддат мо-



байнида жойларнинг мулкдорлари томонидан кўп квартирали уйни бошқариш усули тўғрисидаги масала ҳал этилмаган бўлса ёки кўп квартирали уйни бошқариш усулини танлаш тўғрисида қабул қилинган қарор амалга оширилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси (кейинги ўринларда ваколатли давлат органи деб аталади) кўп квартирали уйни бошқариш учун бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини танлаш бўйича бир ойлик муддатда очиқ танлов ўтказади.

16. Кўп квартирали уйни бошқариш учун очиқ танлов ушбу Вақтинчалик низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

17. Ваколатли давлат органи бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини танлаш бўйича очиқ танлов ўтказиш тўғрисидаги ахборотни икки кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

18. Умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун танлов асосида юридик ҳамда жисмоний шахслар билан шартнома тузиш умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

19. Кўп квартирали уйни бошқариш учун очиқ танлов қуйидаги принципларга асосланади:

танловда иштирок этиш учун тенг шароитлар яратиш;

ҳалол рақобат;

танлов ўтказиш тўғрисидаги ахборотни олиш эркинлиги.

20. Ваколатли давлат органи танлов тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай танлов комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади, унинг таркиби ва иш тартибини белгилайди.

21. Танлов комиссияси таркиби камида етти кишидан иборат бўлиши керак.

Танлов комиссияси таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ваколатли давлат органи вакиллари ва жойларнинг мулкдорлари киритилади.

22. Танлов комиссияси, агар унда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

23. Танлов комиссиясини ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, янги мажлис ўтказиладиган сана эълон қилинади.

Танлов комиссиясининг қарори у қабул қилинган кунда баённома билан расмийлаштирилади ва комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

24. Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган танлов ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:



кўп квартирали уйнинг кадастр паспорти;

кўп квартирали уй умумий мулкнинг ҳолати тўғрисидаги далолатнома;

кўп квартирали уйни бошқариш шартномасининг лойиҳаси.

25. Талабгор танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига ах-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



борот жойлаштирилгандан кейин ваколатли давлат органига ўн беш кун муддатда электрон ёки қоғоз шаклида буюртма беради.

Буюртма қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили ва жойлашган жойи;

якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

телефон рақами;

банк реквизитлари.

26. Буюртма танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда ёки талабгорнинг хоҳишига кўра қоғоз шаклида тақдим этилади.

27. Танловда қатнашиш учун тушган ҳар бир электрон ва қоғоз шаклидаги буюртма рўйхатга олинади ва талабгорнинг талаби билан буюртмани олганлик тўғрисида тилхат берилади.

28. Агар танловда иштирок этиш учун бирорта ҳам буюртма тушмаса, танлов комиссияси буюртма беришнинг тугаган муддатидан бошлаб беш кун мобайнида умумий тартибда қайта очиқ танлов ўтказиш тўғрисида эълон беради.

29. Танлов комиссияси беш кун муддатда талабгорлар томонидан берилган таклифларни баҳолаш учун навбатма-навбат кўриб чиқади ва натижалар асосида ғолибни аниқлайди.

Таклифларни кўриб чиқиш баённома билан расмийлаштирилади.

30. Таклифларни кўриб чиқиш баённомасида қўйидаги ахборот бўлиши керак:

талабгорлар таклифлари кўриб чиқилган жой ва сана;

ҳозир бўлган танлов комиссияси аъзоларининг ва талабгор ёки унинг вакиллари таркиби ҳақида;

талабгорларнинг таклифларини рад этишнинг аниқ сабаблари ҳақида;

танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида;

танлов ғолибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (якка тартибдаги тадбиркор учун), яшаш жойи (почта манзили).

31. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси танлов комиссиясида иштирок этган аъзолар томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан икки кун ичида ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

32. Талабгор таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг ваколатли органга танлов натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Ваколатли давлат органи бундай сўров тушган санадан эътиборан уч кун ичида талабгорга тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

33. Бошқарув ташкилотини ёки бошқарувчини танлаш бўйича очиқ танловни ўтказиш харажатлари ваколатли давлат органи маблағлари ҳисобига амалга оширилади.



34. Кўп квартирали уйларни бошқариш шартномаси беш кун мобайнида танлов ёлиби бўлган бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилади.

35. Кўп квартирали уйларни бошқариш шартномаси камида бир йил ва кўпи билан беш йилгача бўлган муддатга тузилади.

36. Кўп квартирали уйни бошқариш шартномаси бўйича бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи жойларнинг мулкдорлари топшириғига кўра умумий мол-мулкни бошқариш, лозим даражада сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш бўйича келишилган муддат ичида ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш ва (ёки) ишларни бажариш, кўп квартирали уйни бошқариш мақсадига эришишга қаратилган бошқа фаолиятни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4-боб. Кўп квартирали уйларни сақлаш учун зарур бўлган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхатини шакллантириш

37. Кўп квартирали уйларни талаб даражасида сақлаш учун зарур хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхати бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат томонидан шакллантирилади.

38. Ҳар бир кўп квартирали уйга тааллуқли хизматлар ва ишлар рўйхати куйидагиларни инобатга олган ҳолда белгиланади:

кўп квартирали уйнинг тузилмавий элементлари;

истеъмолчиларга ички муҳандислик тизимлари орқали керак бўладиган коммунал хизматлар таъминланиши мумкин бўлган ички муҳандислик тизимларининг мавжудлиги ва таркиби;

кўп квартирали уйга хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш учун мўлжалланган, ушбу уйни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементлари ва кўп квартирали уйга туташ ер участкасининг мавжудлиги;

кўп квартирали уй жойлашувида геодезик ва табиий иқлим шароити.


39. Хизматлар ва ишлар рўйхатида назарда тутилган хизматларнинг тақдим этилишини ва ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилотлар, бошқарувчи ва ширкат куйидаги мажбуриятларни амалга оширади:

авария-тиклаш хизматини таъминлаш;

белгиланган тартибда кўп квартирали уйнинг техник ҳужжатларини сақлаш ва олиб бориш;

кўп квартирали уйни сақлаш ва таъмирлаш учун режалаштирилган жорий ва мукамал таъмирлаш бўйича таклифларни амалга ошириш ҳамда уларни ваколатли орган эътиборига етказиш;

турар жой биноларини сақлаш ва таъмирлашга мўлжалланган тўловларни йиғиш бўйича ишларни ташкил этиш.



**5-боб. Кўп квартирали уйларни бошқариш органининг
фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкор
қилиш тартиби**

40. Кўп квартирали уйни бошқариш бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчи томонидан бошқарилганда, улар томонидан қуйидаги маълумотлар ошкор қилиниши керак:

а) бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчининг маъмурий биносиди кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга:

бошқарувчи ташкилот номи ва бошқарувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақамлари ва электрон почта манзили;

бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчининг иш тартиби.

Ўзгаришлар юз берганда, ушбу маълумотлар ўзгартирилган кундан бошлаб икки иш куни ичида ошкор қилиниши керак;

б) кўп квартирали уйнинг барча кириш жойларида ёки кўп квартирали уй жойлашган ер участкасида жойлашган эълонлар тахтасида:

мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган маълумотлардан ташқари бошқарувчи ташкилот мансабдор шахслари ва бошқарувчининг Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан аттестациядан ўтказилганлиги ҳамда уларга кўп квартирали уйларни бошқариш учун малака сертификати берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

қилинадиган ишлар, асбоб-ускуналарни текшириш, таъмирлаш ишлари, жойларнинг мулкдорларига ва фойдаланувчиларга ноқулайлик туғдириши мумкин бўлган бошқа тадбирлар ҳақида хабар бериш ёки бундай тадбирларни ўтказиш вақти тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзгаришлар юз берганда, ушбу маълумотлар ўзгартирилган кундан бошлаб икки иш куни ичида ошкор қилиниши керак.

41. Агар кўп квартирали уйни бошқариш ширкат томонидан амалга оширилса, улар қуйидаги маълумотларни ошкор қилишлари керак:

а) кўп қаватли уйнинг барча кириш жойларида ёки кўп қаватли уй жойлашган ер участкасида жойлашган эълонлар тахтасида:

ширкатнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақамлари, электрон почта манзили ва иш тартиби;

бошқарув раислари Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан аттестациядан ўтказилганлиги ҳамда уларга кўп квартирали уйларни бошқариш учун малака сертификати берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

қилинадиган ишлар, асбоб-ускуналарни текшириш, таъмирлаш ишлари, жойларнинг мулкдорларига ва фойдаланувчиларга ноқулайлик туғдириши мумкин бўлган бошқа тадбирлар ҳақида хабар бериш ёки бундай тадбирларни ўтказиш вақти тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзгаришлар юз берганда, ушбу маълумотлар ўзгартирилган кундан бошлаб икки иш куни ичида ошкор қилиниши керак.

42. Бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат жойларнинг мулк-



дорлари ва ижарачиларга ошкор қилинадиган ахборотларнинг сақланишини таъминлайдилар, ўз аҳамиятини йўқотган ахборотлар бундан мустасно.

43. Бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат жойларнинг мулкдорлари ва ижарачилар томонидан ушбу Вақтинчалик низомнинг 40 ва 41-бандларида назарда тутилган ахборотлар бўйича сўров тушганида беш иш куни мобайнида тақдим этилишини таъминлайди.

6-боб. Авария-тиклаш хизматини амалга ошириш тартиби

44. Бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат кўп квартирали уйларда авария-тиклаш хизмати фаолиятини бевосита ёки авария-тиклаш хизмати фаолиятини амалга оширувчи ташкилот (кейинги ўринларда авария-тиклаш хизмати деб аталади) билан шартнома тузиш орқали ташкил этади.

45. Авария-тиклаш хизмати кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланишдаги муҳандислик тизимларининг ишларини ҳар куни (жорий) назорат қилади.

46. Жойларнинг мулкдорлари ва ижарачиларнинг уй ичидаги муҳандислик тизимларининг шикастланганлиги тўғрисидаги аризаларини рўйхатга олади ва уларнинг бартараф этилишини амалга оширади.

Фавқулодда вазиятлар ёки уларнинг юзага келиши хавфи пайдо бўлган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун белгиланган тартибда тезкор чоралар кўради.

47. Авария-тиклаш хизматининг фаолияти меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сменалар бўйича амалга оширилади.

Муҳандислик асбоб-ускуналари ишини узлуксиз назорат қилиш натижа-сида олинган маълумотлар авария-тиклаш хизмати томонидан тегишли жур-налларда, шу жумладан, электрон ҳужжатлар шаклида акс эттирилади.

48. Авария-тиклаш хизмати қуйидагиларни таъминлайди:

кўп квартирали уйларда сув чиқариш ва чиқинди сув ўтказгичларнинг ички муҳандислик тизимидаги тўсиқларни дарҳол бартараф этиш;


совуқ ва иссиқ сув таъминоти, сув чиқариш ва ички иситиш ва электр таъминоти тизимларининг ички муҳандислик тизимларидаги авария оқиба-тида вужудга келган камчиликларни бартараф этиш.

49. Жойларнинг мулкдорлари ва ижарачилар бошқарувчи ташкилотга, бошқарувчига ва ширкатга авария-тиклаш хизматини амалга ошириш учун бино учун техник ҳужжатлар тўпламини тақдим этадилар.

50. Авария-тиклаш хизмати жойларнинг мулкдорлари ва ижарачилар-нинг аризаларини қабул қилади ва камчиликларни бартараф этиш юзаси-дан тегишли чораларни амалга оширади.

51. Аризалар авария-тиклаш хизматиغا, шу жумладан, телефон алоқа-си орқали, кўп квартирали уйлар ва лифт кабиналарининг кириш жойла-рида ўрнатиладиган музокара қурилмалари ёки бошқа алоқа воситалари орқали амалга оширилиши мумкин.

52. Аризаларни рўйхатга олиш кўп квартирали уйларда ёки бундай



аризаларни автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимида (агар мавжуд бўлса) жойларнинг мулкдорлари ва ижарачиларнинг аризалари журналида амалга оширилади.

53. Авария-тиклаш хизмати журналлари сақланиши ҳамда жойларнинг мулкдорлари ва ижарачиларнинг талаби билан таништирилиши таъминланиши шарт.

7-боб. Кўп квартирали уйга техник ҳужжатларни ва бундай кўп квартирали уйни бошқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни, техник воситалар ва ускуналарни топшириш тартиби

54. Кўп квартирали уйни бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганлиги ёки бундай шартнома муддатидан олдин бекор қилинганлиги муносабати билан кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулки билан боғлиқ техник ва бошқа ҳужжатлар, техник воситалар ва ускуналар жойларнинг мулкдорлари томонидан танланган бошқарувчи ташкилотга, бошқарувчига, ширкатга ёки жойларнинг мулкдорлари йиғилиши қарорида кўрсатилган бошқа шахсларга топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали топширилиши мумкин.

55. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки жойларнинг мулкдорлари кўп квартирали уйнинг техник ҳужжатлари ва кўп квартирали уйни бошқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни шартнома тузилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчига тақдим этади.

56. Кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулки таркибига қуйидагилар киради:

кўп квартирали уйдаги умумий жойлар, таянч ва тўсиқ конструкциялар; квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўрама) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ҳамда бошқа шахталар;

дахлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар;

уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари;

кўп квартирали уйларнинг ташқарисида ёки ичида жойлашган ҳамда биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуна ва қурилмалар.

57. Мазкур Вақтинчалик низомнинг 55-бандида назарда тутилган ҳужжатлар топширилиши вақтида долзарб ҳолатда бўлиши ҳамда жойларнинг мулкдорлари умумий мулкининг таркиби ва ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

58. Агар кўп квартирали уйларни бошқариш усули ўзгариши муносабати билан бир ёки бир неча ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларни тиклаш чоралари бир ой муддатда амалга оширилади.

59. Кўп квартирали уйдаги техник ҳужжатларни ва ушбу уйларни бошқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни топшириш қабул қилиш далолатномасига мувофиқ амалга оширилади.



Далолатномада тузилиш санаси, жойи ва топширилаётган ҳужжатлар рўйхати ҳақидаги маълумот бўлиши керак.

60. Кўп квартирали уйлар учун техник ҳужжатлар ва бошқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар ҳамда техник воситаларни қабул қилишда мавжуд келишмовчиликлар топшириш ва қабул қилиш далолатномасида акс эттирилади.

Далолатноманинг нусхаси ваколатли давлат органига топшириш ва қабул қилиш далолатномаси томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб уч кун мобайнида юборилиши керак.

**8-боб. Кўп квартирали уйни бошқаришда жойларнинг
мулкдорлари ва ижарачилар билан бошқарувчи ташкилот,
бошқарувчи ва ширкатнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил
этиш тартиби**

61. Бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари ва ижарачилар билан шахсий мурожаат қилиш имкониятини яратиш орқали ўзаро ҳамкорликни таъминлаши шарт.

Бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат ўзи томонидан бошқариладиган кўп квартирали уйлардаги жойларнинг мулкдорлари мурожаатларини ҳамда кўп квартирали уйларни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиши керак.

62. Бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат бир ойда камида бир марта жойларнинг мулкдорлари ва ижарачиларни қабул қилиши керак.



Жойларнинг мулкдорлари ва ижарачиларни қабул қилиш бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ва ширкат раҳбари ёхуд бошқа масъул ходимлар томонидан амалга оширилади.

Қабул натижаси шахсий қабул журналида қайд этилади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

63. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

64. Ушбу Вақтинчалик низом фақат Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида 2020 йил 1 майгача амал қилади.



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ БҲЙРУҒИ

52 Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдори- нинг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2003 йил 30 декабрдаги 2003-19-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1322, 2004 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 9-сон, 111-модда) билан тасдиқланган Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди биринчи хатбошисидан «ва ишончли бошқарувчининг муҳри қўйилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 январь,
2020-03-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 февралда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

53 Махсулотларни сертификатлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бўйраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1458, 2005 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 10-11-сон, 86-модда) билан тасдиқланган Махсулотларни сертификатлаш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

Д. САТТАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 январь,
4-сон



Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
бош директорининг 2020 йил 22 январдаги
4-сон бўйруғига
ИЛОВА

Махсулотларни сертификатлаш қоидаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 18-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тез бузиладиган махсулотларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш барча зарур ҳужжатлар (синов баённомалари, ишлаб чиқаришни баҳолаш далолатномаси, санитария-эпидемиология, ветеринария,

* Ушбу бўйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 февралда эълон қилинган.



фитосанитария хулосалари) тақдим этилган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида амалга оширилади.».

2. 43-банднинг биринчи хатбошисидан «сертификат аслининг эгаси ёки сертификатни берган идора ёхуд нотариал идора томонидан имзо қўйиб тасдиқланган ва муҳрланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 7-илова мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

54 Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5594-сон «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПК–4058-сон «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 29 сентябрдаги 184-сон буйруғи (рўйхат рақами 2045, 2009 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 513-модда) билан тасдиқланган Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 февралда эълон қилинган.



2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис в. б.

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 декабрь,
09/ЮБ-51-сон

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги
09/ЮБ-51-сон қарорига
ИЛОВА

**Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва
аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.».

2. 1-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Саноат-геоконтехназорат» давлат инспекцияси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



3. 6-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Экспертларни тайёрлаш Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг «Контехназоратўқув» давлат унитар корхонасида (кейинги ўринларда Корхона деб юритилади) камида 40 соатлик ўқув курсларида ўқитиш орқали амалга оширилади.»;

иккинчи хатбошисидаги «Марказ» деган сўз «Корхона» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 8 ва 15-бандлардаги, 16-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 37 ва 51-бандлардаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



5. 13-банднинг «а» кичик бандидаги «Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга эквивалент деб топилган» деган сўзлар «тан олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 14-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. «Аттестациядан ўтиш учун талабгор Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилган аризани унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:»;

«в» кичик банддаги «ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга эквивалент деб топилганлиги» деган сўзлар «ҳужжатни белгиланган тартибда тан олинганлиги» деган сўзлар билан адмаштирилсин;

«ж» кичик банддаги «Марказ» деган сўз «Корхона» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 20-бандда:

биринчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг аккредитация ва инспекцион назорат бўлими» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг аккредитация ва инспекция назорати бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«а» кичик банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғига ёки унинг ўринбосарига» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисига ёки унинг биринчи ўринбосарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тегишли бўлинмалари билан биргаликда аттестацияни ўтказиш учун тахминий саволлар рўйхатини тузади ва тасдиқлаш учун Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисига тақдим этади.».

8. 23 ва 41-бандларнинг биринчи хатбошисидаги, 43-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 45 ва 55-бандлардаги ҳамда 2-иловадаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 31-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қайта аттестациядан ўтиш учун талабгор Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилган аризани унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:»;

«г» кичик банддаги «Марказ» деган сўз «Корхона» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 33-бандда:

биринчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси»



деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 38-банддаги, 49-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 56-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 40-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясида» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 46-бандда:

биринчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 47-бандда:


биринчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 50-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлигининг» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 1а ва 4-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

55 «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2369-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.
3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 январь,
2/6-сон

Келишилган:

*Ўзбекистон банклари
ассоциацияси бош директори*

Б. ҲАМИДОВ

2020 йил 24 январь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 февралда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 январдаги 2/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 21 апрелдаги 12/2-сон «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2369, 2012 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 22-сон, 255-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 24 августдаги 16/6-сон «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2369-1, 2013 йил 2 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 36-сон, 481-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 24 июндаги 14/8-сонли «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2369-2, 2017 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 28-сон, 668-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ



**56 «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов
tizimi фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2884-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й.



1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 8 апрелдаги 7-А/4-сонли «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2884, 2017 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 20-сон, 377-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 январь,
2/7-сон

Келишилган:

**Ўзбекистон банклари
ассоциацияси бош директори**

Б. ҲАМИДОВ

2020 йил 24 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

57 **Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини
чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 февралда эълон қилинган.



тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 14 августдаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 400-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 январь,
1/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил
16 январдаги 1/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини
чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**


1. 24-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва юридик шахсларнинг мухрлари (мухрлар мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 26-банддан «ва мухрланиши (мухр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 31-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«депозит сертификатлари бўйича — охирги цессияда қайд этилган цессионарий ваколатли шахсининг имзоси ва номи сертификат тўлаб берилиши ҳақидаги аризада ваколатли шахс имзоси, юридик шахснинг номи мос келмаган тақдирда, сертификат сақловчиси томонидан сертификат суммасини талаб қилиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат(лар) тақдим этилиши лозим.».

4. 3-иловадаги «(цедентнинг ёки унинг ваколатига эга шахснинг имзоси) М.Ў.» ва «(цессионарийнинг ёки унинг ваколатига эга шахснинг имзоси) М.Ў.» деган сўзлар тегишли равишда «(цедентнинг ёки унинг ваколатига эга шахснинг имзоси)» ва «(цессионарийнинг ёки унинг ваколатига эга шахснинг имзоси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

58 Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3217

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 14 январь,
106-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил
14 январдаги 106-сон буйруғига
ИЛОВА

Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ёрдамчи репродуктив технологиялар (бундан буён матнда ЁРТ деб юритилади) уруғлантиришнинг айрим ёки барча босқичларида аёлнинг организмидан ташқарида амалга ошириладиган ҳомиладорликка эришишга қаратилган тиббий технологиялар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборатдир.
2. ЁРТ эркак ва аёлнинг (бундан буён матнда беморлар деб юритила-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 6 февралда эълон қилинган.



ди) мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги ЁРТни қўллаш бўйича ихтиёрий розилик аризаси асосида қўлланилади.

3. ЁРТ усуллари репродуктология ихтисослиги бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилади.

4. Репродуктология ихтисослиги бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан ЁРТни қўллашда шифокорлик сири ва ахборотнинг махфийлигини сақлаш «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига асосан амалга оширилади.

2-боб. ЁРТдан фойдаланиш

5. Бепуштлиқ сабабларини аниқлаш ва ЁРТдан фойдаланиш мақсадида беморлар қуйидаги бирламчи текширувлардан (бундан буён матнда бирламчи текширув деб юритилади) ўтказилади:

эндокрин ва овулятор ҳолатини баҳолаш (қон таркибида пролактин, гонадотропинлар, стероидли гормонлар ва шу кабилар даражасини аниқлаш);

кичик тоз аъзоларини ультратовушли трансвагинал текшириш;

гистеросальпингография, контрастли эхогистеросальпингоскопия ва лапароскопия усулларида фойдаланган ҳолда бачадон найчаларининг ўтказувчанлигини баҳолаш;

эндометрий аҳолини баҳолаш (эндометрийни ультратовушли трансвагинал текшириш, гистероскопия, эндометрий тўқималарининг биопсияси);

беморларни урогенитал инфекциялар мавжудлигига текшириш;

бемор эркак спермасини (эякулятини) текшириш;

сперматозоидлар агглютинацияси аниқланган ҳолда сперматозоидларнинг аралаш антиглобулин реакциясини ўтказиш.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандида қайд этилган текширувлар олти ойдан кўп бўлмаган муддатда ўтказилиши лозим.


7. Ўтказилган бирламчи текширув натижасида бепуштлиқ сабаби аниқланган беморларда консерватив ва жарроҳлик даволаш ўтказилгандан сўнг 9 — 12 ой давомида ҳомиладорлик кузатилмаса, мазкур беморлар ЁРТ ёрдамида даволанишга юборилади.

8. Ўтказилган бирламчи текширув натижасида бепуштлиқ сабаби аниқланган 35 ва ундан катта ёшдаги бемор аёллар консерватив ва жарроҳлик даволаш ўтказилмасдан, 9 — 12 ой муддатсиз шифокорлар консилиумининг қарори бўйича ЁРТ ёрдамида даволанишга юборилиши мумкин.

9. ЁРТ ёрдамида даволанишга юборилган беморлар мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ ЁРТ ёрдамида даволаш усуллари қўллашга қарши кўрсатмаларни аниқлаш юзасидан қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

қон таҳлилида рангпар трепонемага антитаначаларни, одам иммун танқислиги вируси (ОИВ) М, G синфи антитаначаларини, В, С вирусли гепатити антигенига 1 ва 2-антитаначаларни, қондаги қизилча вирусига антита-началарни аниқлаш;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



конда 1 ва 2-тур оддий герпес вируси, цитомегаловирус (ЦМВ) молекуляр-биологик таҳлилини ўтказиш;

хламидиялар, микоплазма ва уреоплазма мавжудлигига микробиологик текшириш;

токсоплазмоз, бруцеллёз мавжудлигига текшириш;

жинсий йўл ажралмаларини (қин ажралмаси, эякулят) микроскопик текшириш.

10. Мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган текширувлардан ташқари бемор аёллар қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

қоннинг умумий (клиник) таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, коагулограмма (зарур ҳолларда гемостаз тизимини батафсил текшириш ва гематолог маслаҳати);

бачадон бўйинини цитологик текшириш (Папаниколау усулида);

пешобнинг умумий таҳлили, буйракларни ультратовуш текширувидан ўтказиш;

ўпка флюорографияси (бундай текширувдан 12 ойдан ортиқ вақт давомида ўтмаганлар учун);

электрокардиограмма;

қонни гормонлар мавжудлигига текшириш (ФСГ, ЛГ, пролактин, эстрадиол ва антимюллер гормони);

хомиладорликни давом эттириш имконияти юзасидан шифокор-терапевт кўриги (тиббий кўрик, маслаҳат);

35 ёшгача бўлган бемор аёлларда сут безларини ультратовуш текшируви, сут безларининг хасталиги аниқланган тақдирда эса маммография текшируви;

35 ва ундан катта ёшдаги бемор аёллар учун маммография текшируви.

11. Анамнезида ёки яқин қариндошларида ривожланишнинг туғма нуқсонлари ва хромосом хасталиклари мавжуд бўлган, бирламчи аменорея касаллигига чалинган, 35 ва ундан катта ёшдаги, ЁРТдан фойдаланиш харакатлари самарасиз кечган бемор аёлларга шифокор-генетик кўриги (маслаҳати) ва хромосом аппарати текшируви (кариотиплаш) ўтказилади.

12. Текширув натижасида эндокрин ўзгаришлар аниқланган бемор аёлларга шифокор-эндокринолог маслаҳати, қалқонсимон без, қалқонсимон олди беи, буйрак усти безларининг ультратовуш текширувлари тайинланади.

13. Мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган текширувлардан ташқари бемор эркакларга эякулят таҳлили ҳамда 35 ва ундан катта ёшдаги бемор эркакларга генетик текширув ўтказилади.

3-боб. ЁРТдан фойдаланишда қўлланиладиган даволаш муолажалари ва усуллари

1-§. Умумий қоидалар

14. Текширув натижаларига кўра, ЁРТ ёрдамида даволаш усулларини қўллашга қарши кўрсатмалар аниқланмаган беморларга қуйидаги даволаш усуллари қўлланилади:



экстракорпорал уруғлантириш;
сунъий уруғлантириш;
хэтчинг;
криоконсервация;
сперматозоиднинг интрацитаплазматик инъекцияси (бундан буён матнда ИКСИ деб юритилади).

15. Текширув натижаларига кўра беморларда ЁРТ ёрдамида даволаш усулларини қўллашга қарши кўрсатмалар аниқланганда, мазкур беморларга ЁРТ қўллаш тақиқланади.

16. ЁРТ усуллари қўлланилишидан аввал беморларга бу усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари тўғрисидаги тўлиқ маълумот шифокор томонидан берилиши шарт.

17. ЁРТ усулларида бирининг қўлланилиши самара бермаганда, ЁРТнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин.

2-§. Экстракорпорал уруғлантириш усулини қўллаш

18. Экстракорпорал уруғлантириш (бундан буён матнда ЭКУ деб юритилади) усули бепуштликка ечим топиш мақсадида она организмидан ташқарида сунъий шароитларда тухум ҳужайрани уруғлантириш орқали амалга оширилади.

19. ЭКУ усулини қўллаш мумкин бўлган ҳолатлар:

бепуштлик сабаби аниқланган бемор аёлларда консерватив ва жарроҳлик даволаш ўтказилгандан сўнг 9 — 12 ой давомида ҳомиладорлик кузатилмаса;

ЭКУ усулларисиз ҳомиладор бўлиш имкони бўлмаса.

20. ЭКУ усули қуйидаги ҳолларда чекловлар билан қўлланилади:

овариал захиранинг камайиши (тухумдонлар ультратовуш текшируви ҳулосалари ва қон таҳлилидаги антимюллер гормони даражаси бўйича);

аёллар жинси билан боғлиқ ирсий касалликлар (гемофилия, Дюшенн мушаклар дистрофияси, X-хромосомага боғлиқ ихтиоз, Шарко-Мари неврал амиотрофияси).

21. ЭКУ усулини ўтказиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:


Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситалари ёрдамида суперовуляцияни қўзғатиш;

гонадотропин-релизинг гормонлар, гонадотропинлар, менотропинлар, гонадотропин-релизинг гормон ўрнини босувчи аналоглар ва антагонистларни ишлатиш;

ультратовуш текшируви назорати остида трансвагинал йўл орқали тухум ҳужайраларни олиш;

тухумдон фолликулалари пункциясини оғриқсизлантириш асосида трансвагинал йўл орқали ўтказиш (трансвагинал йўл орқали бажариш имкони бўлмаган ҳолатларда ооцитлар лапароскопик йўл орқали олиниши мумкин);

шифокор анестезиолог-реаниматолог томонидан оғриқсизлантириш турини белгилаш (беморларнинг ихтиёрий розилиги асосида);



бемор эркакнинг махсус тайёрланган спермаси билан ооцитларни инсеминациялаш;

эмбрионларни культивация қилиш;

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситалари ёрдамида ҳайз даврининг лютеин фазасини қўзғатишни ушлаб туриш.

22. ЭКУ усули қўлланилгандан сўнг ҳомиладорликни ташхислаш учун эмбрионлар кўчирилган кунининг 12-кунидан бошлаб қон ёки пешоб таҳлилларида хорионик гонадотропин даражасини аниқлаш амалга оширилади.

Эмбрионлар кўчирилган кунининг 21-кунидан бошлаб ҳомиладорликнинг ультратовуш текшируви амалга оширилади.

3-§. Сунъий уруғлантириш усулини қўллаш

23. Сунъий уруғлантириш усули бепуштликка ечим топиш мақсадида спермани қинга, цервикал каналга, бачадон бўшлиғига юбориш орқали амалга оширилади.

24. Сунъий уруғлантириш усулини қўллаш учун қуйидагилар кўрсатма ҳисобланади:

бемор эркакда сперматогенезнинг оғир бузилиши, эякулятор-сексуал бузилишлар, ирсий касалликлар ривожланишининг юқори хавфи кузатилиши;

бемор аёлда бачадон бўйини билан боғлиқ бепуштлик, вагинизм;

ноаниқ этиологияли бепуштлик.

25. Сунъий уруғлантириш усулида аввалдан тайёрланган ёки криоконсервацияланган, натив спермадан фойдаланилади.

26. Бемор аёлда бачадоннинг иккала найчаларининг ўтказувчанлиги бузилиши аниқланганда, сунъий уруғлантириш усулини қўллаш тақиқланади.

27. Икки маротаба ўтказилган сунъий уруғлантириш усули самара бермаган тақдирда, ЁРТнинг бошқа усуллари қўлланилади.

28. Сунъий уруғлантириш усулини қўллашдан аввал шифокор томонидан фойдаланишга тайёрланган эякулятнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар беморларга етказилади.

Мазкур маълумотлар асосида беморлар фойдаланишга тайёрланган эякулятни қўлланилишига рози ёки норози эканлигини маълум қилади.

29. Сунъий уруғлантириш усули табиий циклда ва Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситалари ёрдамида суперовуляция стимуляциясида амалга оширилган ҳолларда қўлланилади.

4-§. Хэтчинг усулини қўллаш

30. Хэтчинг имплантациядан олдинги ташхислаш мақсадида ооцит ёки эмбрионнинг ялтироқ қобиғини ёриш орқали амалга оширилади.

Ёрдамчи хэтчинг эмбрионнинг ёриб чиқишини осонлаштириш мақсадида қўлланилади.





31. Хэтчинг усулини қўллаш мумкин бўлган ҳолатлар:
35 ва ундан катта ёшдаги бемор аёлларга;
анамнезида яхши сифатли эмбрионларни кўчиришда қўлланилган ЭКУ
усули уч ва кўп маротаба натижасиз бўлганда;
ялтироқ қобиқ морфологиясининг бузилишида;
криоконсервацияланган эмбрионлардан фойдаланишда.
32. Хэтчинг эмбрионларни бачадон бўшлиғига кўчиришдан олдин амалга
оширилади.

5-§. Криоконсервация усулини қўллаш

33. Криоконсервация чуқур музлатиш (-200 С) жараёни ёрдамида ре-
продуктив хужайралар ва гонада тўқималарини (эмбрионлар, сперма ва
тухум хужайралар) сақлаш мақсадида амалга оширилади.
34. Криоконсервация усулини қўллаш бемор ва репродуктив саломат-
ликни сақлаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилоти
ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.
35. Криоконсервацияланган репродуктив хужайралар ва гонада тўқи-
малари суюқ азотга солинган махсус маркировкаланган контейнерларда
сақланади.
36. Криоконсервацияланган репродуктив хужайралар ва гонада тўқи-
маларини музлатиш ва муздан чиқаришнинг оптимал усули шифокор то-
монидан ҳар бир ҳолат учун индивидуал тартибда танланади.
37. Криоконсервацияланган репродуктив хужайралар ва гонада тўқи-
малари ушбу материалларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун дезоксири-
бонуклеин кислота (ДНК) таҳлилари билан бирга сақланади.

6-§. ИКСИ усулини қўллаш

38. ИКСИ ооцит цитоплазмасига сперматозоидни инъекция қилиш ор-
қали амалга оширилади.
39. ИКСИ усулини қўллаш учун қуйидагилар кўрсатма ҳисобланади:
сперматогенез бузилиши;
эякулятор дисфункцияси;
қўлланилган ЭКУ усулида ооцитларнинг уруғланмаганлиги ёки 20% кам
фоизда уруғланганиши;
бемор аёлда тўрттадан кам миқдорда ооцитларнинг мавжудлиги.
40. ИКСИ усулини қўллашда обструктив азооспермия ва эякулятор
дисфункцияси ҳолатларида сперматозоидлар беморларнинг розилиги асосида
жарроҳлик йўли билан олинади.
41. Ҳар қандай ўткир юқумли касалликлар сперматозоидларни жарроҳ-
лик йўли билан олишга қарши кўрсатма ҳисобланади.
- Сперматозоидларни олишнинг оптимал усули шифокор-уролог томони-
дан белгиланади.



7-§. ЁРТ усуллари кўллашда эмбрионлар редукцияси

42. Ҳомиладорликни ташхислаш натижасида кўп ҳомидалик ҳолатлари (уч ва ундан ортиқ эмбрионлар мавжуд бўлганда) аниқланганда, акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш мақсадида «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига асосан эр ва хотиннинг, эр бўлмаган тақдирда аёлнинг ёки ота-онасининг ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда бошқа қонуний вакилларининг мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги розилик аризаси асосида эмбрионлар редукцияси қўлланилади.

Эмбрионлар редукцияси қўлланилишига розилик берилмаган тақдирда, уни қўллаш мумкин эмас.

43. Эмбрионлар редукцияси — бу беш ҳафтадан ўн бир ҳафтагача ҳомиладорликда ультратовуш текшируви назоратида тирик эмбрионлар сонини сунъий равишда камайтириш.

44. Редукция қилиниши лозим бўлган эмбрионлар ультратовуш текширув ҳулосасига асосан даволовчи шифокор тавсияси асосида амалга оширилади.

Эмбрионлар редукциясини ўтказиш натижаси бўйича шифокорлар консилиуми томонидан баённома расмийлаштирилади.

45. Редукция қилиниши лозим бўлган эмбрионларга кириш (трансвагинал, трансцервикал, трансабдоминал йўллари орқали) ва уларни ривожланишдан тўхтатиш даволовчи шифокор томонидан бемор аёлнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

46. Ҳар қандай ўткир яллиғланиш касалликлари эмбрионлар редукциясини ўтказишга қарши кўрсатма ҳисобланади.

47. Ҳомила тушиши хавфининг мавжудлиги эмбрионлар редукциясини қўллашга нисбий қарши кўрсатма ҳисобланади.

4-боб. Якуний қоидалар

48. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

49. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан келишилган.

*Инновацион соғлиқни сақлаш
миллий палатаси раиси*

Р. ИЗАМОВ

2020 йил 12 январь

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 1 февралдан 7 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2020 йил 20 январдаги 2020-03-сон «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-3.

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2020 йил 22 январдаги 4-сон «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-5.

3. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги 09/ЮБ-51-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.


2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/6-сон «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2369-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/7-сон «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2884-1.



6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/4-сон «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-5.

7. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 14 январдаги 106-сон «Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3217.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2369, 2012 йил 30 май), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2369-1, 2013 йил 2 сентябрь), (рўйхат рақами 2369-2, 2017 йил 11 июль).

Адлия вазирининг 2020 йил 5 февралдаги 33-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2884, 2017 йил 15 май).

Адлия вазирининг 2020 йил 5 февралдаги 34-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

